



Эгамбердиев Д.К., Йигиталиев А.Б., Примқулов Б. К

## ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИНИНГ ДИНАМИКАСИ ВА УНИНГ ЁШГА ДОИР ХУСУСИЯТЛАРИ

*Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти.*

**Аннотация:** ушбу мақолада охирги 5 йил (2018-2022) давомида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика Ихтисослаштирилган Онкология ва Радиология Илмий - Амалий Тиббиёт Маркази Фарғона вилояти филиали Хирургия бўлимида Простата бези саратони (ПБС) билан даволанган 313 нафар bemорнинг маълумотлари таҳлил қилинди. ПБС умумий касалланишнинг ёшга хос кўрсатгичларини таҳлил қилиш унинг ёши ортиб бориши билан ўсишини кўрсатади, bemорлар контингентининг “ёшариши” кузатилмади. Касалликка чалиниш ҳавфи 45-70 ёш орасини ташкил этади. Касалланишнинг энг юқори ҳавфли ёшга доир гурухлари 60-79 ёшни ташкил этади.

**Калит сўзлар:** простата бези саратони, касалланиш, ёшга доир хусусиятлар.

Бутунжоҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Халқаро Саратон тадқиқотлари агентлиги (GLOBOCAN) маълумотларига кўра, 2020 йилда дунёда 19 292 789 кишида ҳавфли ўсма касалликларининг бирламчи ҳолати қайд этилган. Улардан 1414259 таси (7,3%) простата безининг ҳавфли ўスマларидир. Энг кўп ҳолатлар Европада – 473344 (33,5%), Осиёда – 371225 (26,2%), Шимолий Америкада – 239574 (16,9%), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида – 214522 (15,2%). Африка ва Океания минтақасида (93173 (6,6%) ва 22421 (1,6%)) бу кўрсаткичлар бироз пастроқ бўлган. Жорий йилда дунё аҳолисининг 3,8 фоизи (375 304 киши) ушбу касалликдан вафот этган. Бу кўрсаткичлар бўйича Осиё етакчи бўлди – 120 593 (32,1%), Европа – 108 088 (28,8%), Океания минтақасида эса – 4767 (1,3%) та bemорларнинг простата бези саратонидан ўлим ҳолатлари қайд этилган [1].

Ўзбекистон Республикасида 2021-йилда 25578 нафар ҳавфли ўスマлар билан касалланган bemорлар рўйхатга олинган бўлиб, улардан 625 нафари (2,4%) простата бези саратони билан касалланган. Жорий йилда мамлакатимизда саратон



касаллигидан жами 14503 кишида ўлим қайд этилган бўлиб, уларнинг 2,3 фоизи (335 та) простата бези саратони билан оғриган bemорлар сабаб бўлган. Сўнгти 5 йил ичида мамлакатда ташхис қўйилган простата бези саратонидан бир йил ичида ўлим ҳолатлари кўпайган. 2016 йилда бу кўрсаткич 15,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 17,5 фоизни ташкил этди[2,3].

**Тадқиқотнинг мақсади:** Фарғона вилоятида простата бези саратонидан касалланиш динамикасини ўрганиш ва профилактик кўрикларнинг самарадорлигини кўрсатиш.

**Материал ва метод:** 2018-2022 йилларда Фарғона вилоятида аниқланган ва даволанган простата бези саратонининг касалланиш ва профилактик кўриклар динамикасини ўрганиш мақсадида ССВнинг ССВ-7 шаклдаги статистик маълумотлар ийфиндиси асос қилиб олинган. Статистик маълумотлар ҳар йилги тўпланадиган йиллик хисоботга асосланган бўлиб, йилма-йил алоҳида ўрганиб чикилган ва асос қилиб олинган.

**Натижалар ва мухокамалар:** 5 йил давомида (2018-2022 й.) Фарғона вилоятида ҳаётида биринчи марта ташхис қўйилган ПБС билан касалланган 313 нафар bemор рўйхатга олинган.

Простата бези саратони билан оғриган bemорларнинг ёши 25 дан 88 ёшгача оралиқни ташкил этди. Беморларнинг катта қисми (95,5%) 50 ёшдан ошган гурӯҳда бўлиб, bemорларнинг ўртacha ёши - 67,6 ёшни ташкил этди(1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### Фарғона вилоятида Простата бези саратони билан касалланиш ёшга нисбатан учраши

Йиллар	Ёш гурӯхлари							
	20-29	30-39	40-49	50-59	60-69	70-79	80 ва ундан катталар	Жами
2018	1	0	2	8	23	9	7	50



<b>2019</b>	0	0	1	4	21	17	5	48
<b>2020</b>	0	1	0	7	31	21	8	68
<b>2021</b>	0	0	3	9	44	17	8	81
<b>2022</b>	0	1	1	6	27	24	7	66
<b>Жами</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>6</b>	<b>34</b>	<b>146</b>	<b>88</b>	<b>35</b>	<b>313</b>

40 ёшгача бўлган гурухларда ПБС билан касалланганлар сони 3 (0,96%) bemорни, 40-49 ёшда - 7 (2,24%), 50-59 ёшда - 34(10,86%), 60-69 ёшда - 146 (46,64%), 70-79 ёшда - 88 (28,12%) ва 80 ёшда ва ундан катталар - 35 (11,18%) bemорларни ташкил этган. Шундай қилиб, ПБС bemорларининг энг катта улуши - 60-79 ёшда (74,76%) кузатилди.

ПБС билан касалланган bemорларнинг 195 нафари (62,3%) шахар ва 118 нафари (37,8%) қишлоқ аҳолиси ҳисобланади.

Простата бези саратонининг дастлабки босқичларида аниқланиш улуши касалликнинг барча ҳолатларининг энг кам қисмини (3,2%) ташкил қилган, II босқичда bemорларнинг энг кўп қисмини - 46,6% ни ташкил этган. III босқичда – 27,8% ва IV босқиша – 22.4% bemорларни ташкил қилди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Фарғона вилоятида Простата беzi саратони билан касалланишда касаллик босқичлари

Йиллар	Касаллик босқичлари				
	I	II	III	IV	ЖАМИ
<b>2018</b>	2	27	11	10	50
<b>2019</b>	0	29	9	10	48
<b>2020</b>	1	30	26	11	68
<b>2021</b>	4	31	24	22	81
<b>2022</b>	3	29	17	17	66

Профилактик кўрикларда постата беzi саратони аниқланган bemорларни ўрганганимизда, қўйидагидар аниқланди (3-жадвал).



**Farg`ona viloyatida 2018-2022-yillarda prostata bezi saratonining profilaktik ko`rikarda aniqlanish dinamikasi.**

Yillar	PBS bilan Birlamchi kasallanish holatlari	100.000 aholiga nisbatan	Profilaktik ko`rikarda aniqlangan holatlar
2018	50	1.4	13 (26%)
2019	48	1.3	8 (16.7%)
2020	68	1.8	10 (14.7%)
2021	81	2.1	18 (22.2%)
2022	66	1.6	13 (19.7%)

Farg`ona viloyatida 2018-yilda prostata bezi saratonining 26% qismi (13ta bemorda) profilaktik ko`rikarda aniqlangan. 2022-yilda bu ko`rsatgich o`rganilayotgan davr boshiga nisbatan solishtirganda o`sishga erishgan: 66 holatda kasallik aniqlanib, dinamikada har 100,000 aholiga nisbatan 1.4 tadan 1.6 nisbatgacha o`sish kuzatilgan. Profilaktik ko`rikarda aniqlanish ko`rsatgichi 13 ta holat (19,7%)ni tashkil etgan.

**Хулоса:** Фарғона вилоятида ПБС билан оғриган беморлар контингентининг "ёшариши" кузатилмайди, аксинча, ўртача ёшнинг ўсиши кузатилмоқда. ПБС билан касалланишнинг ўсиш тенденцияси мавжуд. ПБС умумий касалланишнинг ёшга хос интенсив кўрсаткичларини таҳлил қилиш унинг ёш ўсиши билан ўсишини кўрсатади. 50 дан 70 ёшгача бўлган ёш ПБС учун энг катта хавф остида. Касалликнинг энг юқори даражаси 60-69 ёшга тўғри келади. Простата беzi саратони билан касалланишнинг ёш динамикасини, унинг ёшлигидан бошлаб, геронтологик вазиятни ҳисобга олсак, статистик кўрсаткичлар орқасида муҳим патогенетик хусусиятлар яширган деган хуносага келишимиз мумкин. Профилактик кўриклар динамикасида простата беzi саратонида ўртача 19,9% ни ташкил қилиб, динамикада бу кўрсатгич 26 % дан 147 % гача пасайган даврларни кузатишими мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкини, 7



ПБС эрта босқичларда аниқлаш учун ахоли орасида хавф омилларини ўрганиш ва профилактик кўриклар билан қимраб олиш даражасини ошириш талаб этилади.

### Список литературы

1. Тилляшайхов М.Н; Ибрагимова Ш.Н; Жанклич С.М., Состояние онкологической помощи населению Республики Узбекистан в 2021 году, Ташкент: Халқ, 2022, pp. 64-69..
2. Global cancer observatory. : Globocan 2020. URL //www.uicc.org/news/globocan-2020-new-global-cancer-data#.
3. Йигиталиев А.Б. Профилактика и ранняя диагностика рака предстательной железы.ЖКМП.-2023.-Т.1-№1.-С 148-145.

